

YANG CONFERENCE.UZ 2023

O'ZBEKISTON: INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

DAVRIYLIGI: 2018-2023



Карл Бенц
1885 год
Германия

Мощность:
0,9 л.с.

BIRINCHI BENZ AVTOMOBILI

Вид топлива:
бензин

Масса:
265 кг


Двигатель:
0,954 L



Тип кузова:
мотоколяска
без дверей
Число мест - 2

Компоновка:
переднемоторная,
заднеприводная

Колёсная формула:
4x2



Ширина: 1200 мм

Высота: 1400 мм

Коля задняя: 1190 мм

Колёсная база: 1450 мм

Длина: 2400 мм



TOSHKENT SHAHAR, AMIR
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.



+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00



WWW.TAQIQOT.UZ
WWW.CONFERENCES.UZ



MART
№50

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:
ИННОВАЦИЯ, ФАН
ВА ТАЪЛИМ
3-ҚИСМ**

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:
ИННОВАЦИИ, НАУКА
И ОБРАЗОВАНИЕ
ЧАСТЬ-3**

**NEW UZBEKISTAN:
INNOVATION, SCIENCE
AND EDUCATION
PART-3**

ТОШКЕНТ-2023



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 50-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 9 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофиқ:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Худойкулов Т.Б.
АЛИХОНТУРА СОҒУНИЙНИНГ “ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ” КИТОБИДА БУХОРОГА
ОИД ҚАЙДЛАР.....7



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

АЛИХОНТЎРА СОҒУНИЙНИНГ “ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ” КИТОБИДА БУХОРОГА ОИД ҚАЙДЛАР

Осиё халқаро университети
Тарих ва филология кафедраси
доценти, т.ф.ф.д. (PhD) **Худойқулов Т.Б.**

Жамоат арбоби ва сиёсатчи, жанговар маршал, Шарқий Туркистон (ХХР) даги биринчи миллий армия бош қўмондони, Шарқий Туркистон Ислом Республикаси раҳбари, олим ва табиб Алихонтўра Шокирхўжа ўғли Соғуний (1885-1976 йй.) ҳаёт йўли ва фаолияти ибрат олишга арзигуликдир. А.Соғуний ўз умрининг кейинги 30 йилини Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида (аслида уй қамоғида яшаган) ўтказган бўлсада, икки бор Хитойда муҳожирликда бўлган, ғариблик ва ватансизликнинг кўз кўриб қулоқ эшитмаган азоб-уқубатларини бошидан кечирган. Совет ҳукумати йилларида иккинчи бор муҳожирликка кетгунча (1930 йил) 5 марта қатағон қилинган. Шарқий Туркистонда тўрт йил қамок азобларини бошидан кечирган. 1944-1946 йилларда уйғур ва дунган халқлари миллий озодлик ҳаракатига йўлбошчилик қилиб, Шарқий Туркистон Ислом Республикасининг биринчи президенти бўлган. СССРга зўравонлик йўли билан олиб чиқилганлиги тарихий адабиётларда ўз аксини топган¹.

Алихонтўра Соғунийдан бизга бой маънавий мерос қолган бўлиб, ушбу инсон “Темур тузуклари” китобини форсийдан туркий (ўзбек) тилига биринчи бўлиб таржима қилган. Унинг “Тарихи Муҳаммадия”, “Шифоил илол” (“Қасалликлар давоси”), “Асосул ислом” каби асарлари бор. Соғуний таржимон сифатида ҳам ном қозонган бўлиб, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул-вақое”, Дарвеш Али Чанғийнинг “Муסיқа рисоласи”, Ҳерман Вамберининг “Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи” китобларини ўзбек тилига ўгирган².

Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси” (“Эсдалиқлар”) асари 1966-1973 йиллар оралиғида ёзилган бўлиб, китоб жуда катта маънавий қадриятга эга³. Ушбу китоб билан танишар эканмиз, А.Соғуний фаолиятида умр дафтари саҳифаларида Бухоро билан боғлиқ воқелиқларга ҳам дуч келинади. Асар муаллифи ўз даврининг илмга интилган бир қатор ёшлари сингари Бухорои-Шарифдаги Мир-Араб мадрасасида диний таҳсил олган. Диний ва дунёвий илмлардан бирдек хабардор бўлган Соғуний дунган ва уйғурлар орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлган. Чунки Туркистон минтақасида Бухоро мадрасаларини битирган уламоларнинг саводхонлиги юксак қадрланган.

Бу ҳақда муаллиф: “Инкилоб бошланиш даврида кўзга кўринарли кишилар ўз уйларига сиғмаганлигидан, мен ҳам ўз Ватаним-Тўқмоқ”⁴ шаҳрида туролмай, биздан юз чақирим йироқдаги Сўкулук деган жойда, тунгонлар (дунган) ичида кун кечиришга мажбур бўлдим. Чунки, Бухоро ўқишни шу замон одатича битириб қайтганим сўнгида, диний илм ўқувчилари оз бўлса-ҳам шулар ичидан топилур эди”⁵-деб ёзади.

А.Соғуний Туркистон тарихидан яхшигина хабардор бўлганлиги яна шундан англаб олинадики, у ўтмишда Шарқий Туркистон-Кичик (иккинчи) Бухоро, Ғарбий Туркистон (бизнинг ўлкамиз) – Катта Бухоро, деб аталганлигига эътибор қаратади. “Туркистон қайғуси” китобида: “Иккинчи Бухоро” деб аталган Қошғардан бошлаб бутун Олтишаҳар-

1 Алихонтўра Соғуний. Ватан аҳилларига деганларим.//Ўзбегим.-Т.: 1992.-Б.292.

2 Ҳайитов Ш.А. Ўзбек муҳожирлиги тарихи (1917-1991 йиллар).-Т.: “ABU MATBUOT KONSOLT”.2008.-Б.117.

3 Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси.(Биринчи китоб).-Т.: Шарқ: 2003.-238 бет.

4 Тўқмоқ шаҳри-Қирғизистон Республикаси Чуй вилояти маркази.

5 Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси.(Биринчи китоб).-Т.: Шарқ: 2003.-Б.32.



Уйғуристон ўлкасида улуғ сиёсий иш уддасидан чиқадиган етук бир одам йўқ эди. Шунинг учун бечора мусулмонлар шунчалик оғир бўлгунликга учрадиш эдилар. Чунки давлат қуриш асбоблари қўлида тайёр турган бўлса ҳам, уларни ўз ўрнида ишлата олғудек устакорлари йўқ бўлгач, ундан фойда ололмадилар”¹-деб, XX аср дастлабки ўн йиллигида Шарқий Туркистон аҳолиси сиёсий маданияти ва онги давр талабларидан ортда қолганлигига теран баҳо беради.

Шарқий Туркистоннинг Қошғар, Гулжа, Оксув, Учтурфан, Кўчар, Кўрла сингари худудларига юртимиздан кўчганларни қаердан бўлмасин, “андижонликлар” деб аташ одат тусига кирганди. Бироқ, муҳожирлар орасида бухоролик ўзбек ва тожиклар ҳам бўлишган. Улар бошқалар сингари муҳожирликнинг оғир йўлларида ўтишганди. Бу йўл осон бўмаганди. Йўл азоблари тўғрисида Соғуний: “Йўлсиз тўқайларнинг ичи билан юрганимизга, қум тоғи этагига етдик. Қумлар тепаликларидан оша-оша тўрт томони баланд қумлар билан ўралган, саксовуллик бир чуқурга тушгач, кучли бўрон бўлиб, қор ёға бошлади. Ичар сувимиз йўқлигидан қорни эритиб ичдик. Ёққан саксовул ўтида ҳўл бўлган уст-бошларимизни қуритиб, ўт ости қизиган қум устида ётдик. Кеч билан шу қум тоғлари ичидан оралаб юрганимизга-эртаси шом вақти билан чегара-Кўрғос сойи устига етдик. Чегарачилардан яшириниб (1931 йил) Кўрғос сувини кечиб, Хитой чегарасига ўтдик”²-каби инсонни ларзага соладиган фикрларни қайд этади.

Шарқий Туркистоннинг турли шаҳар ва вилоятлари бўйлаб А.Соғуний дарбадар бўлиб юриган 1930 йилларда бухоролик муҳожирлар билан кўп бор дуч қилганлиги. Улардан марҳамат кўрганлигини ҳам ўз китобида қайд этади. Кучар шаҳрида яшириниб юришга мажбур бўлган А.Соғуний: Пишиқчилик вақти бўлганлигидан боғ сайли зиёфатларида биргалашиб юриб, тинчлик билан 10-15 кунни ўтказдик. Бу ўртада мулла Ҳошим деган бухорода мен билан бирга ўқиган кишининг кучорлик талабаларидан бири келиб, у кишининг уйига таклиф қилди. Шаҳар ташқарисида оқар сувлик, боғу-бўстонлик келишган бир қишлоқ масжидида имом экан. 1921 йили Бхородан қайтиб Тўқмоқ орқали кетаётганида йўлдошлари билан бизникида бир ҳафта меҳмон бўлишиб ўтган эдилар. Салойохун домла бошлиқ ҳаммамиз келиб, бу киши уйида бир кеча-кундуз меҳмон бўлдик. Иззат-ҳурмат кўрсатиб, қўй сўйиб ўз одатларича олий зиёфатлар қилди³ каби фикрларни келтиради.

Хуллас, Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси” китоби Туркистон, жумладан Бухоро муҳожирлиги тарихини ўрганишда муҳим эсдалик асар сифатида муҳим аҳамиятга эга.

1 Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси.(Биринчи китоб).-Т.: Шарқ: 2003–Б.181.

2 Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси.(Биринчи китоб).-Т.: Шарқ: 2003.–Б.135.

3 Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Туркистон қайғуси.(Биринчи китоб).-Т.: Шарқ: 2003 –Б.216-217.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 3-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2023

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000